2003 YIL 1 APREL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№44 (6.569). Sotuvda erkin narhda

# ДЕҲҚОНГА БУЙРУҚ ЭМАС, ЙЎЛ-ЙЎРИҚ КЕРАК!

***Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ҳукуматимиз томонидан қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шаклларини жорий қилиш мақсадида маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот вазифаларини бажариб келган, аслида эса бутунлай ортиқча бўлган кўплаб бўғин ва тузилмаларга барҳам берилди.***

Деҳқон ва фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш, одамлар тафаккурида мулкка эгалик ҳиссиётини уйғотиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Бироқ шунга қарамай, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласи алоҳида эътибор талаб қилаяпти. Шу боис Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони халқимиз томонидан қизғин қарши олинди.

-Мустақиллигимизнинг ўн иккинчи йилида Юртбошимиз айнан ушбу Фармонни имзолаши бинойи бўлди, - дейди Меҳнатобод тумани "Тўғонбулоқ" фермер хўжалиги раиси Ўсарқул Абдураҳмонов. – Яхши ниятлар билан ўтган 2002 йили фермер хўжалиги ташкил қилдим. 20 гектар ер олдим. Ҳосилни беками кўст етиштириш учун керакли ташкилотлар билан шартнома туздим. Аммо хуш кайфият узоққа чўзилмади. Бажарувчи ташкилотлар ўз сўзида турмади. Ер чопиш, экин-тикин ишлари кечикиб кетди. Кузга келганда ҳисоб-китобни сўрагувчилар кўпайиб қолди.

**МУНОСАБАТ**

Дардингни эшитгувчи йўқ. Қаёққа қарама, хўжайин. Чўтни у ёқдан бу ёққа ташлайди... Мазкур Фармон туфайли қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган биз каби деҳқонларнинг ҳам қадди кўтариладиган бўлди. "Уни экасан, шунча режа топширасан", - дегувчи ўроқда йўқ, машоқда йўқ хирмонда ҳозир буйруқбозлардан қутуладиган бўлдик. Фармон айнан шу каби муаммолар, тўсиқларга барҳам берди. Ишқилиб Фармоннинг ижроси яхши бўлсин-да...

Фермер ҳақ гапни айтди. Шартнома шартлари қўпол равишда бузилганлиги сабаб ҳам давлат, ҳам фермер зарар кўрмоқда. Ахир машина-трактор парклари, банк муассасалари, кимё ташкилотлари ва шу каби кўплаб деҳқонга хизмат кўрсатувчи идоралар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар борлиги учун фаолият кўрсатаяпти-ку? Фармондаги муҳим бандлардан бири мазкур хўжалик субъектлари фаолиятини маҳсулот етиштирувчиларга бўйсундиришдир.

-Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги истиқболи фермер хўжаликларининг қай даражада ривожланишига боғлиқ, - дейди деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Жиззах туман вакиллиги раҳбари Ш.Содиқов. – Чунки ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги фермерларга нечоғлик боғлиқ эканлигининг шоҳиди бўламиз. Фармоннинг 4-бандида "Фермер хўжаликларига берилган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади" – дейилган. Чунки фермернинг ишига хўжалик раисларининг бўлар-бўлмасга аралашавериши, уларга моддий-техника базаларини яратиш ўрнига режаларни рўкач қилавериши деҳқончиликнинг кунба кун орқага депсинишига олиб бораётганди. Энди бундай салбий ҳолатлар барҳам топади. Эндиликда вазирлик бошқаруви марказий аппарати тузилмасида пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, сабзавот-полиз экинлари, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, кимёлаштириш каби тармоқлардаги йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф қилиш мақсадида кенгашлар тузилади. Мазкур кенгашларга том маънода деҳқончилик сир-синоатини биладиган, кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган, амалий тажрибаларга бой фидойи кишиларнинг аъзо бўлиб киришлари айни муддао. Чунки деҳқонга буйруқбозлик эмас, балки деҳқончилик соҳаси академикларининг йўл-йўриқлари кони фойдадир. Масалан, ер картограммасидан келиб чиқиб, пахтани қанча чуқурликка экиш, тупроқ мелиоратив ҳолатига қараб қанча ўғит солиш, умуман, деҳқончиликда сарф-харажатларни қандай тежаш кераклиги ҳақидаги маслаҳатларни ҳар қандай деҳқон жон деб эшитади.

-2001 йилдан буён биз етиштирган ва давлатга шартнома бўйича топширган пахта ҳосили учун тўлов ишлари жуда ёмон аҳволга тушиб қолган, - дейди Пахтаобод туман "Нур-Агро" фермер хўжалиги раиси Эргашбой Мамадалиев. – Режани ортиғи билан бажариб келаяпмиз. Тўловлар эса ҳар йили камида бир йилга чўзилиб кетади. Масалан, 2001 йил ҳосилининг фойдасини 2002 йил сентябр ойида олдик. Ўтган йилгиси ҳам шу алфозда давом этаяпти. Ахир деҳқон йил-ўн икки ой бола-чақаси билан совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай меҳнат қилса-ю, роҳатини кўрмаса, ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар кимларнингдир кўрсатмасига биноан бошқа томонга ўтиб кетаверса, бу қандай адолатсизлик? Агар деҳқон ўз пешона тери ҳисобига топган пулларини деҳқончиликни ривожлантиришга, керакли мақсадларга йўналтирмаса хўжалигимизнинг келажаги нима бўлади? Ҳозиргача биргина лизинг тўловчи бўйича 550 минг сўм қарзмиз. Қўқонқишлоқ пахта тозалаш заводидан 4 миллион сўм ҳаққимиз бор. Лекин келган маблағлар вилоятдаги кимларнингдир буйруғи билан фақат ширкат хўжаликлари ихтиёрига берилмоқда. Яқинда Президентимизнинг ушбу Фармонини ўқиб, биз ҳам хурсанд бўлдик. Фармон барчамизнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазамизни таъминлайдиган, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини ўйлаб қилинган ғоят муҳим ҳужжат бўпти. Фармоннинг 2-бандида кўрсатилганидек, ўз меҳнатимиз натижаларини, тегишли мол-мулк, молиявий ресурсларни ўз хоҳишимизга кўра тасарруф этамиз. Агар шу Фармон ижроси ҳамма жойда бир хил давом этса, юртимиз бозорлари мўл-кўл, дастурхони тўкин бўлади.

Дарҳақиқат, мазкур Фармондан сўнг амалдаги қонунларимизга қўшимча ва ўзгартиришлар ҳам киритилади. Юрт фаровонлиги йўлида ҳукумат қарорлари ҳам қабул қилинади. Энг муҳими, мамлакат иқтисодиётининг пойдевори бўлган қишлоқ хўжалигига янада эътибор кучаяди. Ҳар ким ўз меҳнатига яраша ҳақ олади, рўзғорини тебратади. Демакки, Президентимизнинг мазкур Фармонини Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзини янада яхшилаш сари қўйилган галдаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

**Шароф СУЛТОНОВ,**
**журналист.**

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида яна бир дам олиш маскани - Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли «Олтин олма» оромгоҳи иш бошлади. Оромгоҳнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

● Яккабоғ туманидаги «Зиёнур» корхонаси Осиё тараққиёт банкининг 843 минг 637 АҚШ долларлик кредити ҳисобидан Германиядаги «Mihoski» фирмасидан макарон, «Holsberg» фирмасидан эса печенье ишлаб чиқарадиган технология сотиб олди.

● Ўзбекистон банклари уюшмасида мамлакатимизда биринчи халқаро «American Express» пластик карточкаларининг чиқарилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Республика фонд биржасида ўтган ҳафта давомида 35 акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 206,7 миллион сўмлик 161 минг акциясини сотиш бўйича 53 битим имзоланди. Бундан ташқари, умумий қиймати 173 минг АҚШ долларига тенг бўлган олди-сотди битимига кўра 283,4 минг акция сотилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида «Аския-2003» расмлар кўргазмаси очилди.

● Сирдарё вилояти марказида маданий мажмуа очилди. Шарқ меъморчилигининг энг яхши анъаналари услубида бунёд этилган ажойиб бинода вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази жойлашди.

● Тошкентдаги "Бунёдкор" ёшлар марказида Карен Агамяннинг "Урушга қарши тинчлик баёноти" мавзуидаги суратлар кўргазмаси очилди. Кўргазма Очиқ жамият кўмак жамғармаси Ўзбекистон институти томонидан ташкил этилган.

● "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида Республика Ички ишлар вазирлигининг Наврўз байрамига бағишланган тадбири ўтказилди.



**Бекобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти қабул қилиб олинган 14695 тонна пахтани қайта ишлаб, 4555 тонна тола олишга эришди. Ишлаб чиқарилган толанинг 3700 тоннаси хорижга экспорт қилинди. Эришилаётган ютуқларда 10 йилдан буён мазкур корхонада ишлаб келаётган Дилором Мелиеванинг ҳиссаси катта бўлмоқда.**
**СУРАТДА: ишчи Дилором Мелиева.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

***Ҳазорасп кичик ва ўрта бизнес шохобчалари тезкорлик билан ривожланаётган, иқтисоди бақувват туманлардан биридир. Бу ерда замон талаблари асосида жиҳозланган саноат корхоналари барпо қилиш борасида ҳам қизғин ишлар олиб борилмоқда.***

Яқинда ип-йигирув фабрикаси таъсисчилигида, Германиянинг "Унитехна Индустрианлаген ГМБХ" фирмаси билан ҳамкорликда бунёд қилинган "УНИХО" қўшма корхонаси иш бошлади. Низом жамғармаси 1 миллион 533 минг 875,7 еврони ташкил қилган бу улкан фабрика сарф-харажатининг 70 фоизини Ўзбекистон томони, 30 фоизини эса чет эллик ҳамкорлар зиммасига олишган.

-2001 йилнинг декабр ойида Ихтисослаштирилган Давлат Акционерлик тижорат "Асака" банкидан 4 миллион 736 минг 808 евро миқдорида имтиёзли қарз олиб, шу маблағ эвазига юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган дастгоҳлар сотиб олдик, - дейди корхона раҳбари Худойберган Қурбонов. – Немис ҳамкасбларимизнинг ғайрати туфайли фабрика ўз муддатида ишга туширилди.

Бугун бу ерда юз нафар ҳазорасплик ёшлар меҳнат қилаяпти. Бундан бир неча ой олдин, яъни йигирув дастгоҳларини синаш даврида 151 миллион 13 минг сўмлик 150,5 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўшма корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2500 тоннани ташкил қилади.



Худойберган Қурбоновнинг айтишича, шу йилнинг ўзидаёқ ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 70 фоизи экспорт қилинади. Бу 2 миллион АҚШ

**ТАРАҚҚИЁТ**

доллари демакдир. Келгуси йилдан бошлаб четга маҳсулот чиқариш янада кўтарила боради. Ип-калаванинг 1000 тоннасини "Хива-Карпет" гиламчилари харид қилса, қолган қисми учун Германия ва Россиядаги саноатчилар билан шартномалар тузилмоқда.

-Режаларимиз улкан, - дейди фабрика директори Худойберган Қурбонов. – Корхонамиз қошида ип-калавадан трикотаж маҳсулотлари ва буёқлар ишлаб чиқарадиган цехлар ташкил қилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳамкорлар изланмоқда.

2004 йилдан бошлаб эса ишлаб чиқариш салмоғи янада ортиб, ип-калава тайёрлаш 3500 тоннага етказилади ва 80 фоиз маҳсулот четга сотилади. Ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалий ишлар қилинди. Овқатланиш, дам олиш хоналари қайтадан таъмирланиб ишга туширилди. Тиббий хизмат кўрсатиш хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Очиғини айтганда, фабрикада бўлиб, чет эл дастгоҳларини моҳирона бошқараётган ёшларни кўриб, буларнинг барчаси Истиқлол яратган имкониятлар эканлигини ўйласанг, қалбинг ғурур-ифтихорга тўлади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# ҚОР ВА БАҲОР

***Кутилмаганда тушган қор қишлоқ одамларини ўйлантириб қўйди. Эрта уйғонган дарахтларнинг ҳоли нима кечаркин? Ўрик, бодом дегандай...***

-Ўтган йили совуқ тушганда дарахтларга похол тутатгандик. Бу йил улгурмадим.

-Ўрикнинг ҳосилидан ниятим катта эди...

-Бу ёғига нима бўларкан?

-Газет ўқи, телевизор кўр, биласан, қўясан.

Қишлоқ одамларининг гурунги бу. Тўғри-да, мартнинг охирида қор ёғишини ким ҳам ўйлабди дейсиз? Қолаверса, табиатга бас келиб бўладими? Хўш, бу масалада мутахассислар нима деркин?

-Республикамизга ғарбдан нам ва нисбатан салқинроқ ҳаво оқими кириб келиши оқибатида айрим жойларда ёғаётган ёмғир қорга айланди, - дейди Республика гидрометеорология маркази бошлиғи Фотима Қосимова. – Бу ҳақда биз олдиндан хабар бергандик.

**БУГУННИНГ ГАПИ**

-Апрел ойи об-ҳавоси тўғрисида нима дея оласиз?

-Афсуски, бир ойлик об-ҳавони олдиндан башорат қилишнинг иложи йўқ. Биз фақат беш кунлик маълумот берамиз, холос. 2-5 апрел кунлари республикамизда ёғингарчилик бўлмайди, ҳаво ўзгариб туради. Кечаси +4-+9, кундузи +15-+20 даража илиқ, шимолда кечаси +0-+5 даража, кундузи +11-+16 даража илиқ бўлади.

Метеорологлар ҳузуридан қайтарканмиз, кўнглимиздан бир фикр ўтди. Бу маълумот газетамиз муштарийлари саналган зукко деҳқонларни қониқтирадими? Афсуски, йўқ. Чунки уларни фақат 5 апрел ҳавоси эмас, 25 апрел ва ундан кейинги об-ҳаво кўпроқ қизиқтиради. Катта сарф-харажат эвазига плёнка остига экилган чигит увол бўлмасмикан? Очиқ майдонга чигитни қачон эккан маъқул? Ерга кўмилган ток танасини совуқдан қўрқмай очаверса бўладими? Эҳ-ҳе, бундай саволлар кўп. Жавоб-чи? Ана шунга ўзимиз ҳам ҳайронмиз.

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

# ЗАРКЕНТ МЎЪЖИЗАСИ

***Паркент туманидаги "Заркент" ширкат хўжалиги тоғнинг шундоқ этагида нотекис майдонларда жойлашган. Ҳар йили кўкламда табиий равишда униб чиқадиган майса-гиёҳлар одатда тиззадан ошмасдан қовжираб қолишини (сувсизликдан) яхши билганингиз учун ҳам ёз пайтлари ушбу тоғ ёнбағирларида қад ростлаб турган ўнлаб, юзлаб гектар узумзорларни кўриб ажабланмасдан иложингиз йўқ.***

Узумзор бўлганида ҳам қанақа денг: қаторлар бир текис тикланган, тиғиз, ола қолган жойни тополмайсиз, шиғил-шиғил ҳосилдан кўзингиз қувнайди. "Сув таралмасдан бунёд этилган бу қандай мўъжиза ўзи?!", дейсиз беихтиёр ва яратиш ишқида меҳнатга бел боғлаган инсон ақл-заковати, миришкорлигига яна бир карра тан берасиз.

**ШАРАФ**

Кўпчилик – кўзга яққол ташланиб турган яшил мўъжизага қойил қолиш билан чекланади ва нигоҳлардан пинҳон иккинчи бир мўъжиза мавжудлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Бу иккинчи мўъжиза қарийб ярим аср аввал туманда иқтисодий жиҳатдан энг ночор бўлган хўжаликнинг дадил оёққа туриб, мана то шу кунга қадар нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ҳам етакчи мавқедан бирини эгаллаб келаётганлигидир.

Агар биринчи мўъжиза узумзорларни бевосита тиклаб, кўз қорачиғидек парваришлаб келаётган миришкорларнинг самарали меҳнати натижаси бўлса, иккинчи мўъжиза 44 йил аввал хўжалик жиловини қўлга олган, меҳнат аҳлининг бошини қовуштириб, мўл ҳосил олишга илҳомлантирган Тожибой ака Ризаев номлари билан боғлиқ.

Тожибой ака билан илгари бир-икки марта суҳбатда бўлганмиз. Бир қарашда унинг раҳбарлик салоҳияти нимадан иборат эканлигини илғаш қийин. Унақа қайнаб-тошиб турадиган инсон эмас.

(Давоми 3-бетда)

**СУВ – БУ ҲАЁТ**

***Орол фожиаси – XXI аср муаммосига айланганини ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, ўша ҳудудда яшайдиган маҳаллий аҳоли ушбу муаммонинг заҳматини бир неча ўн йиллардан буён тотиб келаётир.***

# ОРОЛ УЧУН ҲАММА МАСЪУЛ

Денгизнинг қуриши оқибатида келиб чиққан экологик хавф нафақат Қорақалпоғистон халқини, Марказий Осиё республикаларини, ҳатто дунё мамлакатларини ҳам жиддий ташвишга солаётир. Орол денгизида сув сатҳининг пасайиши оқибатида юзага келган табиатдаги ўзгариш узоқ-узоқ ҳудудларга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётир. Албатта, юзага келган мавжуд муаммо ечимини топиш учун саъй-ҳаракатлар қилинаётир.

(Давоми 2-бетда)

# ЎЗБЕКНИНГ БОЗОРИ

***Нима десангиз денг, ўзбекнинг бозори зўр. Мен зўр деганда озиқ-овқат ва мева-чева бозорини назарда тутяпман. Қайси бозорга кирманг, тўкинчиликдан кўзингиз қамашади. Расталардаги лаҳм гўштлар, садафдек тоза гуручлар, майин ва оппоқ унлар, сархил мевалар, ранг-баранг сабзавотлар, яшнаб турган резаворларни кўриб кўнглингиз таскин топади. Тупроғидан дур унадиган, насибаси бутун элнинг фарзанди эканлигингиздан фахрланасиз.***

Яқинда Тошкентдаги бир қанча бозорларни айланиб чиқдим. Таассуротларимни умумлаштириб, айтадиган гапларимни ўзим мунтазам кириб турадиган Трактор заводи яқинидаги деҳқон бозори мисолида айтмоқчиман.

**ТАҲЛИЛ**

Атайлаб ун, гуруч, макарон, мош, ловия сотиладиган дўконларни ва алоҳида пештахталарни санаб чиқдим, бироқ саноғида адашдим. Ўтган йили ёзда шу бозордан гуручнинг килосини 800-900 сўмдан сотиб олган эдим. Ҳозир шундай яхши гуручни 500-600 сўмдан оласиз. Бу 2002 йилда деҳқончиликда сув сероб бўлганлигининг шарофати. 2001 йилда юз берган сув танқислиги 2002 йилдаги нарх-навога таъсир қилган эди. Бу йил ҳам сув сероб бўладиганга ўхшайди. Сувнинг сероблиги – бу шолининг мўллигидан ва гуручнинг арзонлигидан далолат.

Бозордаги қассобларнинг ўзларига чорлашларини кўриб ажабланасиз. Бир пайтлар уларнинг аксарияти суяк-ёғ масаласида талашиб-тортишсангиз "олсангиз - шу, олмасангиз – катта кўча" дейишарди.

-Ака, тунов куни мендан гўшт олган эдингиз, танидим, ҳозир ҳам мендан олсангиз суяксиз қилиб бераман! – деб ёлвориб туриб олди бир қассоб йигит.

(Давоми 2-бетда)

**ЭЙ, УМРИ АЗИЗ**

***Пошша Маҳмудова ҳақида эшитганмисиз? Тўғри, аяни бугун фақат кекса авлод вакилларигина яхши билишади. Ваҳоланки, бу аёл бир вақтлар таниқли давлат арбоблари билан ҳам бирга фаолият кўрсатган.***

Ҳозирда 85 ёшга кирган ая халқимиз учун энг қийин бўлган 1935-1950 йилларда

# ЙИГИРМА ЁШИДА БОШ БЎЛГАН АЁЛ

раҳбарлик вазифаларида ишлаган. Аёл бўла туриб оғир йилларда элга бошчилик қилган, халқнинг турмушини яхшилашда кўп хизматлари сингган.

1938-40 йилларда Гурлан тумани ижроия қўмитасининг, 1940 йилдан бошлаб, 22 ёшида Хоразм вилоят ижроқўмининг раиси бўлиб ишлади.

(Давоми 4-бетда)

# ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ТОПТАЛМАСИН!

***Бош Қомусимизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", дея белгилаб қўйилган.***

Ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздаги барча ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида" ва "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳам тўла-тўкис инсонпарварлик, меҳр-мурувват руҳи билан суғорилган. Навоий вилоят прокуратура органлари ходимлари ҳам ушбу принципларни оғишмай ҳаётга татбиқ этишга жиддий эътибор қаратишган.

**ҲУҚУҚ**

Янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасида эътироф этилганидек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқаётган давлат органлари уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида аризалар, таклифлар ҳамда шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадилар, таҳлил этиб борадилар. Шу боис, қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органларига фуқаролардан келиб тушган ариза, таклиф ва шикоятлар ҳар бир ҳисобот даврида умумлаштирилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб борилади.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, ўтган йил давомида вилоят прокуратура органларида 3395 нафар фуқаро қабул қилинган. Уларнинг 3200 га яқини прокурор ва уларнинг ўринбосарлари қабулида бўлишган.

(Давоми 2-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ВИЖДОННИ НАФСГА АЛМАШТИРГАНЛАР

ХОЛМЎМИН БОБОНИНГ КЎПРИГИ

ПАҲЛАВОНЛАР КЎПДИР БУ ЮРТДА

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ОНА СУТИ

***Мадраҳим буванинг кайфияти чоғ. Пешинда олиб келган ўн қоп сабзисини тушга қолмай сотиб бўлди. Ана энди кампирининг "заказзи"ни бажарсаям бўлаверади. Ойхол хола буvани бозорга кузатаркан:***

-Беш-ўн сўм орттирсангиз, бирор пиёла қаймоқ ола келинг, сигиримиз қисир қолгандан бери қаймоқ емаппан-а... – деганди зорланиб.

Мадраҳим бува сут-қатиқ растаси томон юрди. Раста ичида фақат аёллар... Олдиларига катта тоғорани қўйиб олишган, тоғоралар лим-лим сузма... Бир ёнда қатиқ, бир ёнда сут, ҳатто бир-иккита аёл тухум ҳам сотаяпти. Мадраҳим бува ичкарига кирар-кирмас, улар бараварига чувиллаб қолишди.

-Амаки, сузмадан обкетинг...

-Манави қаймоқни кўринг, тоға, нақ асал дейсиз...

-Хамирга сут бор... невараларингизга қурут олинг, амаки...

Бува ҳаммасига "хўп, хўп" дегандек бош ирғаб, аста раста ичини айлана бошлади. Дам у, дам бу ерда тўхтаб, қаймоқларнинг мазасини кўрган бўлди. Ниҳоят, кўнглига маъқулини топди шекилли, қаймоқнинг эгасига "бир коса беринг..." деди қўлидаги қошиқнинг орқасини ялаб.

-Тоғажон, - деди қаймоқфуруш жувон ўксик оҳангда. - Ўзи бор-йўғи уч коса қаймоғим қолди, қолганини ҳам ўзингиз ола қолинг... Ширин қаймоқ...

-Э, менга бир косаям етади, - деди бува бепарво қўл силтаб. – Холангизга, бир тўйсин кампирим... Ҳали кун ботишга... эҳ-ҳе, қанча бор-а? Ўтира туринг, ажабмас, ширин қаймоққа талабгорлар яна келиб қолар.

-Шундай-қуя... – чайналди жувон ўйланиб. – Мени... эмизикли болам бор, тезроқ шуларни сотиб, уйга қайтишим керак эди...

Мадраҳим бува ҳам ўйланиб қолди. Қулоғига чақалоқнинг чириллаб йиғлаши эшитилди. Раҳми келди. Сўнг...

-Э, бор-ей, олсам олибман-да... – деди ичида ўзига-ўзи. – Савоб ҳам керак бандасига...

Уч литрли идишда қаймоқ кўтариб келган чолини кўриб Ойхол хола суюниб кетди. Дарров қўлидан сумкаларини олиб, айвонга жой ҳозирлатди. Келини янги чой дамлаб келгунча, қаймоқни "эрмак" қилиб ўтирди.

-Вой, бунингизнинг тепаси қаймоқ, қолгани ачиган қатиқ экан, холос, - деди у лабини буриб. - Ўлсин, алдашибди, виждонсизлар...

Яхна чойни хўриллатиб ичганча кампирининг ҳуд-беҳуд жаврашига қулоқ тутиб ўтирган Мадраҳим бува бу гапни эшитиб бир қалқиб тушди. Кўз олдида аёлнинг маҳзун қиёфаси жонланди. Раҳми келди... Бу сафар аёлга эмас, унинг ҳаром луқма аралашган сутини ичаётган чақалоққа раҳми келди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## ИЛЛАТИ БОРНИНГ ОЁҒИ ҚАЛТИРАЙДИ

***Рустам яшайдиган маҳаллада боғлари бир-бирига туташ иккита қўш қаватли бино қад ростлади. Пишиқ ғиштдан қасрмонанд қурилган бу уйлар хўжалик раиси Зарифбойники эди. Аммо иморатлар ҳалол меҳнат билан топилган даромад эвазига бунёд бўлмаганди. Буни барча қатори Рустам ҳам яхши биларди. Унинг кўнглига шумлик келди. "Зарифни бир боплаб, бирон нарса ундиришим керак", деди ўзига-ўзи.***

Рустам Зарифбойни ўша муҳташам иморатлар олдида учратиб, дабдурустдан қистовга олди:

-Хўш, раис бува, айтинг-чи, бу қасрлар қандай пайдо бўлди? Яъни, қайси даромад ҳисобига қурилди? Манбалар борми, ахир? Ё, тегишли "жой"ларга ёзиб, аниқлатиб берайми?

Зарифбой шошиб қолди. Юрагини ваҳм босди. Агар у ростдан ҳам тегишли "жой"га мурожаат этса... Йўқ, бир йўлини қилиб Рустамнинг кўнглини олиш керак.

-Қўйинг, шу гапни. Қўшнимиз, ҳар куни кўз-кўзга тушади. Агар ёрдам керак бўлса, айтинг. Бир-биримизни қўллаш бурчимиз-ку, ахир, - деди Зарифбой ялинган оҳангда.

-Бўлмаса гап бундай, - деди Рустам ҳам муроса оҳангида. – Хўжаликнинг 4-бўлимидаги дала шийпонининг биносини бутун жиҳози ва боғроғи билан менга арзон нархда хусусийлаштириб берасиз. Акс ҳолда...

-Йў-йў... Бўлди, бўлди! Айтганингиздай қиламиз. Кечқурун идорага боринг, масалани шу ерда ҳал этамиз, - деди раис бува пешонасидаги терини артиб.

Ҳа, пўписа иш берди. Тез орада Рустам дала шийпонини хусусийлаштириб олди. "Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди", деган гап бежиз айтилмаган-да, ахир!

## ДЎСТМАН ДЕГАН БИЛАН...

***Шокир қўшни қишлоқдан бўлса-да, Олим билан қил ўтмас дўст эди. Оилавий борди-келдини канда қилмасди. Яхши-ёмон кунларда бирга бўлишга интиларди. Олимнинг Шокирга бўлган муносабати, ҳурмату эътибори самимий эди. Дўстлигидан бирон-бир манфаат изламасди, таъмагирлик қилмасди.***

Ҳаёт экан... Ойлар, йиллар ўтиши билан дўстлар ўртасида қандайдир бир ясама муносабат пайдо бўла бошлади. Олим Шокир билан учрашиб қолган пайтларида иши кўплигини баҳона қилиб, чала-ярим сўрашадиган одат чиқарди. Баъзида гўё ҳазиллашган бўлиб, масхараомуз гаплар айтадиган бўлди.

У каттароқ амалда ишларди. "Ё амали бошини айлантирдимикан?" ўйларди Олим. Олим уни бир сафар зиёфатга таклиф қилди – келмади. Яна бир гал эса келди-ю, кўп ўтирмади. Вақти зиқлигини баҳона қилди. Аслида ўтиргиси келмади, ёзилган дастурхонни хоҳламади.

Ҳали буниси ҳолва экан. Шокир қандай дўст эканлигини Олим ўғлига келин туширганда кўрсатди. Жамғарган пули етмайроқ турганди. Олим Шокирдан бироз қарз сўради. "Ҳар ҳолда дўстмиз-ку, қолаверса, ўзига тўқ, бой-бадавлат оила, йўқ демас, ахир" деб ўйлаган эди. Қаёқда! Бир сўм ҳам бермади. "Топганимиз ўзимизга етмайди, хафа бўлма, жўра" дебди, уялмай-нетмай. Бу гапни эшитган қўшниси Собир тракторчи Олимга бўрдоқига турган ҳўкизини келтириб берибди. "Бозорга чиқариб сотинг-да, пулини тўйга ишлатинг", деди.

Ана шунақа! Дўст бўлиш осон, аммо уни сақлаш қийин. Олим Шокирнинг ўзидан узоқлашгани учун эмас, дўстликни қадрига етмагани учун афсусланди, ачинди.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ**

## МУТТАҲАМ ҚЎШНИ

***Мамашариф билан Ўлмас ёнма-ён полизда помидор экишганди. Қишлоқдан уч-тўрт чақирим узоқдаги экин бошида иккиси ҳам чодир қуришди. Кечаси Мамашариф ётмасди, Ўлмас эса ётиб қоровуллик қиларди.***

Бир куни Мамашариф помидор жўяклари пайҳон этилганлиги ва анча помидор териб олинганлигини сезиб, Ўлмас бободан сўради:

-Бизнинг полизга кимдир оралабди. Ўлмас, мабодо сен кўрмадингми?

-Мен қаердан билай, - деди Ўлмас бобо жеркиб. - Сенинг помидорингга қоровулманми?

Мамашариф бобо сўраганидан хижолат чекиб, индамай жим қолди. Шу кундан бошлаб жўяклардаги етилган ҳосил камайса камаявердики, ҳеч кўпаймади. Мамашариф бобо бу сирни билиш мақсадида қоронғу тушгач, кўрпа-ёстиғини эшакка юклаб, полиз бошига келди. Ўлмас бобога сездирмай, пушта ёнидаги маккажўхори орасидан ўзига жой қилиб, ётиб олди.

Саҳарлаб уйқуси қочган Мамашариф бобо не кўз билан кўрсинки, Ўлмас бобо шоша-пиша помидордан териб яшикларга жойлар ва ўғли Акбар эса яшикларни қаёққадир ташиётган эди...

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

# ОРОЛ УЧУН ҲАММА МАСЪУЛ

(Боши 1-бетда)

Амалий ишлардан бири ҳудудда GEF (Халқаро Оролни қутқариш фонди) агентлигининг тузилишидир. Бу агентликнинг тузилишидан кўзланган асосий мақсад Оролни қутқариш учун ажратилган сармояларни тўплаш ва уни мақсадли ишларга, яъни мавжуд сув захираларини сақлаб қолиш, улардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфни камайтириш, Орол ҳудудидаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга жалб этишдир. Оролни қутқариш Халқаро фонди GEFнинг Нукус филиали ҳам ўз фаолиятини айнан шу мақсадларни амалга оширишга қаратган.

Филиал мутасаддилари ўтган йиллар мобайнида ушбу йўналишда бирмунча хайрли ишларни амалга оширди. Биринчи навбатда денгиз ўрнида пайдо бўлган бир неча ўнлаб кўлларнинг сувини асраб қолиш ва ундан халқ хўжалигида фойдаланишни ташкил қилишдир. Бунинг учун ирригация иншоотлари, яъни дамбалар қуриш зарур эди. Шундай иншоот барпо этиш учун ўтган йилнинг ўзида 1219830,55 минг сўм маблағ сарфланди. Натижада Междуречинский сув омборида 12 та, Балиқчи кўлида 22 та, Жилжирбасда 240 ва Мўйноқ кўлтиғида 70 та дамбалар қурилди. Ушбу қурилиш жараёнида 911,2 минг куб метр тупроқ, 36,6 минг куб метр тош тўшаш ишлари бажарилди. 23,5 тонна металл буюмларни монтаж қилиш ишлари амалга оширилди. Биргина Мўйноқ туманидаги Междуречинский сув омборида ҳозирги вақтда 210 миллион кубметр сув мавжуд бўлиб, 25 минг гектар майдонни эгаллайди. Ушбу сув омборида 29 километрлик дамбалар таъмирланди, кўплаб бетон тўсиқлар ўрнатилди. Ушбу сув омборидан Макбал кўлига 25 миллион куб метр, Сарибос кўлига 30 миллион куб метр сув тушди. Дамбалар қуриш натижасида кўллардаги сувлар сақланиб қолиши билан бирга кўлларда балиқ ҳамда мўйнали ҳайвонларни ҳам урчитиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ерларда ҳозирги вақтда наботат олами ҳам бойиб бормоқда.

Ушбу кўллар ҳудудида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Эндиликда тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларга тавсия бериш, моддий маблағ билан таъминлаш лозим. Шу мақсадда агентлик томонидан 2002 йилда турли лойиҳалар учун 24125,6 минг, уларни амалга ошириш учун эса ижрочиларга 12059,8 минг сўм ажратилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун "Шоли" республика илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиали, "Қорақалпоқнонмаҳсулотлари" ҲЖ, "Қаймоқли" агрофирмаси ва "Азаглык" деҳқон-фермер хўжаликлари жалб этилди.

Асосий эътибор ҳосилдорликни оширишга ва сувни тежашга қаратилди. Йил якунида эса натижалар ёмон бўлмади. Масалан, "Қорақалпоқнонмаҳсулотлари" ҲЖ 25,5 миллион сўмлик сара уруғлик дон етиштириб, экинни парваришлаш даврида меъёрдаги сувни 15 фоизгача тежашга эришди. Харажатлар 8,8 миллион сўмни ташкил этди.

Шунингдек, ҳудудда аҳолининг ижтимоий ҳолатини, турмушини яхшилаш борасида кўплаб кишиларга тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти билан шуғулланиш учун айнан Нукус филиали томонидан микрокредитлар берилган. Қилинган ишлар натижасида 773 та янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг меҳнати натижасида 803,5 тонна гўшт, 2389,0 тонна сут, 621,5 тонна буғдой, 491 тонна полиз маҳсулотлари, 154 тонна пахта, 141,5 минг дона кийим-кечаклар, 174,2 тонна нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Орол ҳудуди зонасида истиқомат қилувчи аҳолининг сиҳат-саломатлигини тиклаш йўлида ҳам бирмунча ишлар бажарилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун Оролни қутқариш Халқаро фонди томонидан ўтган йили 15757,7 минг сўм сарф қилинди.

Ҳудудда ўрмон хўжаликларини барпо қилиш ва ривожлантириш билан бир қаторда маълум ҳудудларда саксовул, черкез каби ўсимликларни экиш орқали табиий шароитни яхшилаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу соҳага ҳам 41094,3 минг сўм сарфланди ва 600 гектарга яқин майдонга ниҳоллар экилди.

Хулоса қилиб айтганда, биз юқорида келтириб ўтган рақамлар Халқаро Оролни қутқариш фонди Нукус филиалининг ўтган бир йил давомида амалга оширган ишларидан далолат беради. Лекин ҳали олдинда қилинадиган ишлари ҳам жуда кўп. Чунки бу юмушлар - Орол ҳудудида келажакда бажарилиши лозим бўлган ишлар миқёси олдида денгиздан бир томчидир. Шундай экан, Орол муаммосига бугун янада жиддийроқ эътибор қаратиш лозим.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ТОПТАЛМАСИН!

(Боши 1-бетда)

Ёки, прокуратура органларига шу даврда фуқаролардан қарийб 2800 та ёзма равишда мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шулардан 1200 га яқини бевосита прокуратура идораларида ҳал этилган. Қолганлари эса тегишли равишда бошқа идора, ташкилотларга чора-тадбирлар белгилаш учун тақдим этилган. Бундан ташқари, 586 нафар фуқаро бевосита меҳнат жамоаларида прокурорлар томонидан қабул қилинган.

Кузатувлар шундан далолат берадики, кейинги йилларда фуқароларнинг мурожаатлари сони ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби турли идораларда ариза ва шикоятларнинг тўлиқ ҳал қилинмаслиги ҳамда фуқароларнинг овора бўлаётганига бориб тақалади..

Прокуратурага ариза, таклиф ёки шикоят билан мурожаат этган ҳар бир кишининг қандайдир ташвиши, ҳал этилмаган муаммоси бўлади. Аксарият ҳолларда улар келтирган важлар асосли бўлиб чиқади. Қонун ижроси бўйича ўтган йилда умумий назорат тартибида 30 га яқин текширишлар ўтказилиб, буларда аниқланган ҳолатлар юзасидан 21 та протест,3 та даъво аризаси, 68 та тақдимномалар киритилиб, 2 та жиноий, 15 та маъмурий ва 30 та интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида ишлар қўзғатилган ҳамда 150 нафар шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расмий равишда огоҳлантирилган. Масалан, фуқаро У.Шукуров вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, 2002 йил 25 ноябр куни соат 14 ларда икки нафар номаълум шахс унинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, пичоқ билан унга тан жароҳати етказгани ва унга тегишли бўлган ВАЗ русумли автомашинани босқинчилик йўли билан олиб кетишганлигини маълум қилган.

Ушбу ҳолат юзасидан Навоий шаҳар ИИБнинг катта инспектори, милиция катта лейтенанти Ш.Мирзаев томонидан текшириш олиб борилган. Аммо ажабланарлиси гўёки "жиноят таркиби бўлмаганлиги учун" бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатиш рад этилган.

Мазкур материаллар вилоят прокуратурасида назорат тартибида ўрганиб чиқилганда, текшириш суриштирув органи томонидан ўта малакасиз ва бир томонлама олиб борилганлиги аниқланиб, инспекторнинг асоссиз қарори бекор қилинди. Тўпланган материаллар асосида жиноят иш қўзғатилди. Айни кунда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

"Алтин" масъулияти чекланган жамият директори К.Жанабаев прокуратурага мурожаат этиб, Учқудуқ тумани ДСИ ходимлари уни ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортганликларини билдирган. Туман прокуратураси томонидан ДСИ қарори ўрганиб чиқилганда, унинг қонунга зид чиқарилганлиги аниқланиб, прокурор протести билан бекор қилинган.

Айрим ташкилот, корхона раҳбарларининг мавжуд қонунларга зид равишда чиқараётган қарор ёки буйруқлари оқибатида фуқароларнинг манфаатларига зарар етказилган. Мисол учун, "Навоий нон заводи" АЖ маъмуриятининг буйруғи билан корхона ишчи-хизматчилари дам олиш кунлари ишга жалб қилинган ва уларга бир ҳисса ҳақ тўланган. Ваҳоланки, меҳнат қонунчилиги бўйича дам олиш кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса ҳақ тўланиши лозим. Прокурор протести билан бу ноқонуний буйруқ бекор қилиниб, ходимларга икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши таъминланди. Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплб келтириш мумкин.

Вилоят прокуратураси органларининг тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳам амалда ижобий самаралар бераётганлиги сир эмас. Бу масала доимий диққат-эътиборимизда турибди. Вилоят, шаҳар ва туман прокуратураларида тадбиркор ва фермерлар учун алоҳида қабул кунлари белгиланган. Тўғрироғи, улар учун прокуратура эшиклари ҳамиша очиқ. Мулкдорларнинг ҳар бир ариза ва шикояти атрофлича ўрганилиб, қонуний ҳал этилмоқда. Фикримнинг далили учун биргина мисол келтириб ўтмоқчиман.

Нурота туманидаги "Қалдирғоч" фермер хўжалиги раҳбари Р.Фармонова "Ўзбекистон" ширкат хўжалигига 1049,9 минг сўмлик дон топширган бўлса-да, ширкат хўжалиги бу маблағни тўламаётганлигини ёзган. Текшириш чоғида фермер хўжалигининг даъволари тасдиқланди. Унинг қонуний манфаатлари бузилганлиги, шартнома шартлари бажарилмаганлиги аниқланиб, вилоят хўжалик судига фермер манфаатларини кўзлаб даъво аризаси киритилди ҳамда у ўзининг ижобий ечимини топди.

**Заври САДИРОВА,**
**Навоий вилоят прокурорининг ташкилий-назорат ва таҳлил бўйича катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.**

## ЯХШИ ХАБАР

### "ДИЁРБЕК" – ХУСУСИЙ БОҒЧА

***Хусусий тадбиркор Роҳила Жаъфарова баҳор айёмида болажонларга муносиб совға ҳадя қилди – Самарқандда илк хусусий боғча фаолият бошлади.***

Чой қадоқлаш фабрикаси тасарруфидаги 9 миллион 148 минг сўмга баҳоланган болалар боғчасини сотиб олган ишбилармон аёл ҳам замон талаблари даражасида иш бошлади. Даставвал 50 ўринли боғча узлуксиз кечаю кундуз ишлайди. Болаларга 1, 2-синф мактаб дастури асосида компьютер технологиялари асосида сабоқ берилади. Рус, инглиз тиллари чуқур ўргатилади. Шахмат-шашка, хореографиядан етук мутахассислар машғулотлар олиб боришади.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Ғиждувон туманидаги "Зафаробод" қўрғонида турли миллатга мансуб бўлган 5886 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ердаги милиция бўлинмаси вакиллари эса ана шу аҳолининг тинчлиги ва хотиржам яшашларини таъминлаш мақсадида қатор муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Буларнинг натижасида шу йилнинг ўтган даврида қўрғонда биронта ҳам жиноят содир этилмади.**

**СУРАТДА: бўлим бошлиғи, милиция капитани Комилжон Муҳаммадиев, профилактика инспектори Саъдулло Шаропов ва тезкор инспектор Ҳабиб Ражабовлар галдаги режаларни муҳокама қилишмоқда.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# ЎЗБЕКНИНГ БОЗОРИ

(Боши 1-бетда)

-Яхши, - дедим кўниб, - нархи қанча?

- 2100 сўмдан.

- -Нега, ўтган сафар 2300 сўмдан берган эдинг-ку?!

- Гўшт кўпайиб қолди, ака, нарх тушяпти, - деди қассоб йигит.

Гўштни халтага солиб, ўнг томонга икки-уч қадам босганимни биламан, кўкат сотиб ўтирган аёл менга юзланиб: "Қиммат олдингиз, улгуржи бозорда шундай гўштни 1600-1700 сўмдан беряпти" деди. Унга: "Ҳечқиси йўқ, синглим, мен улгуржи бозордан олганим йўқ-ку" деб қўяқолдим. Кейин суриштирсам, шундай экан. Энг муҳими, бозорда гўштнинг нархи арзонлашганлиги – бор ҳақиқат.

Шундан атиги бир ҳафта олдин Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида бўлган эдим. Бир гуруҳ фермерлар даврасида ўтириб қолдим.

-Ўтган бозор бўрдоқига боққан буқамни сотолмадим, - деди бир мўйсафид.

-Менинг учта қўчқорим қайтди, - деди кўплаб қўй ва парранда боқаётган бошқа бир киши.

-Нега? – сўрадим улардан.

-Арзон сўрашяпти, бергим келмади, - деди бири.

-Мен ҳам, - деди иккинчиси.

Демак, бўрдоқибоқарлар кўпайиб боряпти. Бу эса қорамоллар, қўй ва эчкилар, паррандалар сони ортиб бораётганлигини кўрсатувчи қувончли ҳолатдир. Майли, бўрдоқибоқарлар яна ҳам кўпайсин, майли, гўштнинг нархи яна ҳам арзонлашсин, бироқ зинҳор ва зинҳор чорва молларининг бош сони камаймасин. Бу қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини биз катта ёшли одамлар яхши биламиз. Буни ҳозирги ёшлар ҳам билиб қўйишса фойдадан ҳоли бўлмасди. Гап фақат ўтмиш хатоларидан сабоқ олишда эмас, балки гўштнинг сероблигини таъминлаш ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ эканлигини англаб етишда.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллар бошида Хрушчев чорвага қирон келтирди. Кимнинг сигири, қўйи, эчкиси бўлса солиқ солди, кимнинг учтадан ортиқ қўйи, биттадан ортиқ сигири, туяси, оти бўлса, жарима солди. Оқибатда бир йилдан кейиноқ гўшт танқислиги бошланди. 1962-1964 йилларда матбуотда гўштни кам истеъмол қилиш, иложи бўлса "саломатликни ўйлаб" истеъмол қилмаслик, унинг ўрнини ошқовоқ билан картошка босиши мумкинлиги кенг тарғиб қилинди.

Бу мудҳиш хатонинг азобини халқ тортди. Чорва молларининг сони кескин камайиб кетганлигидан халқ борини ҳам сўйишни увол ва гуноҳ деб билиб, гўштсиз ҳаётга кўника бошлади. Айниқса, Тошкентни ошқовоқдан тайёрланган сомса-ю манти-чучваралар босиб кетди. Шубҳасиз, ошқовоқ шифобахш ва лаззатли неъмат. Лекин гўштнинг ўз ўрни бор. Гўштга бўлган эҳтиёжни тарғибот-ташвиқот билан қондириб бўлмайди. Ҳатто орадан ўн-ўн беш йил ўтиб ҳам йўл қўйилган хатони тузатишнинг уддасидан чиқишолмади. Аксинча, етмишинчи йилларда яна бир хатога йўл қўйилди. Чорванинг ишини бевосита партия ташкилотлари назорат қиладиган бўлди. Ферма мудирларию сигир соғувчилар партия сафига ўтказилди. Сигир сут бермаса ҳам, ғунажин қисир қолса ҳам, буқа ем емаса ҳам коммунист партбилетини столга қўйиб жавоб берадиган бўлди. Қандай партиявий чора-тадбир кўришмасин етмишинчи-саксонинчи йилларда ҳам гўшт танқислиги ҳолати сақланиб қолаверди. Ўша пайтда давлат томонидан белгиланган нархда гўшт топиш амри маҳол эди. Очиқ сотишга эса рухсат беришмасди. Яшириб, паналаб, қочиб юриб сотадиганлардан айтган нархларига олар эдингиз.

Хўш, ҳозир гўшт сероблигининг боиси нимада?! Аввало, хусусий секторга эркинлик, кенг имкониятлар ва имтиёзлар берилганлигида. Ким қанча сигир, қўй, эчки боқади – ихтиёр ўзида. Ким боққан бўрдоқисини қайси шаҳарга ёки вилоятга олиб бориб, кимга, қандай нархда сотади – ихтиёр ўзида. Ким қаердан, қандай ва қанча ем сотиб олмоқчи – марҳамат, ҳамма ерда тўлиб-тошиб ётипти. Бунинг устига одамларимизнинг омилкорлигини, молнинг тилини, қўйнинг қилиғини, семиртиришнинг сирини билишлигини қўшинг. Қолаверса, эртанги кунини, тақдирини, фарзандларининг келажагини ўйлаган халқимизнинг пишиқ-пухталигини, ўз куч ва имкониятларига ишонишлигини айтмайсизми. Албатта, буларнинг ҳаммаси мустақиллик билан боғлиқ. Гўшт етиштиришда ва аҳолининг эҳтиёжини қондиришда хусусий сектор эришган юксак парвоздан қувонмаслик мумкин эмас.

Паррандачилик ҳам чорвачиликнинг бир тармоғи. Хусусий секторда бу тармоқ ҳам юксалиб кетди. Ҳозир бозорларимиз товуқ гўшти билан тухумга тўлиб-тошиб кетган. Жумладан, Трактор заводи яқинидаги бозорда тухум сотилмаётган растанинг ўзи йўқ.

-Тухум қанчадан? – сўрадим эллик ёшлардаги бир жувондан.

-60 сўмдан, - деди у.

-Қандай қилиб, ахир февралда 100 сўмдан ками йўқ эди-ку?! - ҳайрон бўлдим.

У кулимсираб деди:

-Ҳайрон бўлманг ака, апрелда 40 сўмдан оласиз. Кўрмаяпсизми, ҳаммаёқни тухум босиб кетяпти. Ҳозир қишлоқ қолиб, шаҳарда ҳам товуқ боқишяпти.

-Бу яхшимасми қайтага?

-Албатта яхши, тўкинчилик билан арзончиликка нима етсин, - деди жувон.

Картошка сотаётганларнинг бир нечтасидан қаерданлигини сўраб чиқдим. Асосан Фарғона водийси ҳамда Тошкент вилояти туманларидан келишибди. Илгари Тошкент шаҳрининг бозорларига Ўратепанинг картошкаси тўлиб кетарди. Қишда эса аксарият аҳоли Россиядан келтирилган картошка билан "жон сақларди". Аслида бу илгари ўз газимиз бўлатуриб Сирдарё ГРЭСини Россиядан ташиб келтирилган сифатсиз ва қимматли мазут билан ишлатганимиздай гап эди.

Мева сотилаётган раста бўйлаб юрар эканман, нок сотаётган, бошига оқ рўмол ўраган катта ёшли бир аёл олтиндай товланиб турган битта нокни шартта кесди-да, бир бўлагини менга узатиб деди:

-Еб кўринг, мазаси оғзингизда қолади.

-Йўқ, егандан кейин олишга тўғри келади, - дедим.

-Майли, олмасангиз ҳам бир мазасини кўринг!..

-Нархи қанча?

-500 сўм.

-Қиммат эмасми?

-Нимаси қиммат, хў анави, - у қўли билан қаршидаги растага ишора қилди, - доғ тушиб чирий бошлаган, Эрондан келтирилган мандариннинг килосини 1400 сўмдан деб ўтирибди. Ўзимизнинг ширин-шарбат сувли нок яхшими ёки ўзга юртнинг мазасини йўқотган эски меваси яхшими? Яна нақ уч кило нокнинг нархи-я...

Тўғриси, индайолмадим. Чунки нокнинг эгаси юз фоиз ҳақ эди.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам бозорларимиз пештахталари помидор билан бодрингга тўла бўлади. Ҳозир шундай маҳсулотларга, кўкпиёзу турли кўкатларга ташналик сезиладиган пайт. Яхшиямки, улар бозорда сероб. Бир неча боғини 200-300 сўмга беради.

Бир ёш йигит помидор сотаётган аёлдан унинг нархини сўради.

-300 сўм, - деди помидор эгаси.

-Ўҳ-ҳў, мунча қиммат?! - ҳайратланди йигит.

-Ука, - дедим мен йигитга юзланиб, - анави баклашкадаги газланган сувларга қара, биттаси 350 сўмдан нақ 800 сўмгача-я, ўзинг ўйлаб кўр, сувни қадоқлашга қанча меҳнат кетган-у иссиқхонада помидор етиштиришга бир неча ой қанча меҳнат кетган?! Сарфланган маблағда ҳам катта фарқ бор. Деҳқонга осон тутма.

Аёл мамнун жилмайди, йигит уч кило помидор сотиб олди.

Бир нарсага ҳайрон қоласиз: дўконда-ю бозорда ун сероб, дон сероб, нархлари ҳам жойида, кўп вақтдан бери шакарнинг ҳам, тухуму ёғнинг ҳам нархи ошгани йўқ, бироқ бир йилда печенье маҳсулотларининг нархи икки баравардан кўпроқ ошди. Ҳозир печеньелар кўргазмага қўйилган маҳсулотга ўхшайди. Бензин ёки газ харажатини баҳона қилиб бунчалик оширишни оқлаб бўлармикан? Ёки дўконлардаги буханка нонларнинг сифатсизлигини айтмайсизми? Бир кун-ярим кун турса, моғорлаб кўкарган ёки ачиган хамирга ўхшаб қолади. Яна бир сирли ҳолат: кейинги уч-тўрт ой мобайнида гўштнинг ва гуручнинг нархи мунтазам пасайиб борди, сабзи сув текин ҳам бўлди. Бироқ ошхона ва кафеларда, кўча ва хиёбонларда сотиладиган ошнинг нархи пасаймади. Бунга нима дейсиз?

Назаримда қайта ишловчилар, қандолатчилар, ошпазлар, сомсапазлар, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ҳамда хизмат кўрсатишга дахлдор ходимлар тўкинчиликни, тўқчиликни ва арзончиликни таъминлашда бундан буён деҳқонлардан ҳамда чорвадорлардан, хусусан, фермерлардан, хусусий секторнинг бошқа фидойиларидан ибрат олишлари керак. Шундагина бозорга ва ҳар бир хонадонга барака киради, халқни алдайман деганнинг ўзи алданиб қолади.

Яна деҳқон баҳори келди. Бозор ҳам деҳқонники. Ўзбекнинг бозори зўр экан, демак, бу она-табиатдан куч олган деҳқон жасоратининг, деҳқон ҳалоллигининг, деҳқон саховатининг тимсоли. Садағанг кетай, деҳқоним! Марҳабо, деҳқон баҳори! Бозорингга тасанно, ўзбегим!

**Иброҳим НОРМАТОВ**

